

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИ СОҲАСИДА ХОРИЖ ТАЖРИБАЛАРИ

Азиз Анварович Азимов

Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети

Магистратура тингловчиси

azimov1990azimov@gmail.com

АННОТАЦИЯ

Мазкур мақолада жамоат хавфсизлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва давлат органлари ўзаро ҳамкорлиги соҳасидаги айрим хорижий давлатларнинг тажрибалари таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: жамоат хавфсизлиги, нодавлат нотижорат ташкилотлари, хориж тажрибаси.

ABSTRACT

This article analyzes the experience of some foreign countries in the field of cooperation between non-governmental non-profit organizations and government agencies in ensuring public safety.

Keywords: public safety, non-governmental non-profit organizations, foreign experience.

КИРИШ

Сўнгти йилларда кўплаб хорижий давлатларнинг тегишли давлат органлари жамоат хавфсизлигини таъминлашда нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорликни амалга ошириб келмоқда. Ушбу ҳамкорликнинг йўлга қўйилиши натижасида мамлакатда хуқуқий-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ишончли таъминлашга, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлиги ошишига эришиб келинмоқда.

Кўплаб мамлакатларда жамоат хавфсизлигини таъминлашда асосий ўринни полиция органлари эгаллайди.

Кўйида айрим хорижий мамлакатларнинг жамоат хавфсизлигини таъминлашда полиция ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги муносабатларини тартибга

солиши ва ташкиллаштириш фаолиятига оид тажрибаси билан танишиб чиқамиз:

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Полиция ва жамият ўртасидаги ҳамкорлик ҳолатининг қўрсаткичи фуқароларнинг жамоат хавфсизлиги муаммоларини ҳал қилишда иштирок этиш даражасига қараб аниқланади. АҚШ, Япония ва Гарбий Европа давлатлари полиция ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасида маҳсус дастурлар асосида ҳамкорлик қилиш бўйича юқори самарали тажрибага эга. Бу давлатларда полиция фаолиятининг асосий тамойили “фаол ижтимоий шериклик” тамойили бўлиб, у жамоат фаолиятини ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимиға интеграциялашувини назарда тутади. Фуқаролар қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш бўйича ўзларининг жамоат бурчини бажаришдек юксак миссиясини англаб этиш билан бирга, мустақил ҳаракатларни амалга ошириш учун жиддий ресурсларга эга [1].

Хуқуқ-тартиботни муҳофаза қилиш ва жиноятчиликка қарши курашда фуқаролар иштирокининг жамоавий шаклларидан қуйидагилар қўлланилади:

хуқуқ-тартиботни таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича пунктларни ташкил этиш (Япония);

полиция захирасини (ёрдамчиларини) шакллантириш (АҚШ);

жамоат жойларида патрул хизматини ташкил этиш;

ихтиёрий отрядлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа жамоат тузилмаларини яратиш (Беларусь, Буюк Британия, АҚШ, Эстония);

хусусий хавфсизлик компаниялари билан ҳамкорлик (Перу) [2].

АҚШда ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш вазифаларини ихтиёрий ва текин бажарадиган, ҳуқуқбузарликларга барҳам бериш ҳуқуқига эга бўлган, полиция кийимлари билан таъминланадиган ва маҳсус тайёргарликдан ўтадиган фуқаролик жамиятлари вакилларидан полиция захираси шакллантирилган [3]. Халқ полиция академиялари АҚШда жуда машҳур ҳисобланади. Бундай академияларнинг асосий мақсади аҳолини ички ишлар органлари фаолияти билан яқиндан таништиришдан иборат. Академиялар, энг аввало, аҳолида ички ишлар органларига нисбатан ижобий муносабатни шакллантириш, ички ишлар органлари ва фуқаролар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қиласди. Халқ полицияси академиясини тамомлаган шахслар полиция фаолиятининг ўрни ва ўзига хос хусусиятларини яхшироқ тушунадилар, полицияга улар билан тезкор боғланишда кўпроқ ёрдам берадилар [2].

АҚШда “Neighbourhood Watch” (“Маҳалла кузатуви”) дастури тан олинган бўлиб, унинг моҳияти шундан иборатки, аҳоли Твиттер ёки бошқа ижтимоий тармоқлар орқали жиноятлар ҳақида хабар бериш орқали полиция ходимларига ёрдам бериш учун Интернетдан фойдаланадилар [3]. Ушбу дастур амал қиласидан ҳудудларда жиноятлар сони камайиб бормоқда [4].

Японияда фуқаролар жамоалари тармоғи фаол позицияни эгаллайди. Улар ҳуқуқни муҳофаза қилиш пунктлари иш фаолиятида иштирок этадилар (битта пункт камида 50 та оила истиқомат қилувчи туманга мўлжалланган), полиция бўлинмалари ва уй хўжаликлари билан доимий алоқада бўладилар [5].

“Қонун ва тартиб” жиноятчиликка қарши сиёsat концепцияси доирасида Буюк Британияда давлат институтларининг ижтимоий шериклик тажрибаси диққатга сазовордир [5]. Тинч аҳоли билан алоқани мустаҳкамлаш учун Британия полиция кучларининг кўпчилигида маҳсус бўлинмалар ташкил этилган бўлиб, уларда тайёрланган фуқаролар ҳафтасига камида 4 соат ихтиёрий равишда ишлашади [6].

Голландия полицияси одатдаги вазифаларидан ташқари, қўпинча аҳолига турли хил ёрдам кўрсатиш вазифаларини бажаради ва фуқаролар полициянинг кўплаб тадбирларида фаол иштирок этадилар. Кўнгиллилар тегишли тайёргарликдан ўтиб, тартибни сақлашнинг оддий функцияларини бажарадилар. Сўров натижаларидан маълум бўлишича, Нидерландия аҳолиси ўз полициясига ишонишади ва полициячи касбини энг нуфузли касблардан бири деб билишади [7].

“Хавфсиз шаҳар” – бу Польшада 1995 йилдан бери амалга оширилаётган жиноятларнинг олдини олиш дастурининг номи ҳисобланади. Унинг асосий вазифаси фуқаролик ташабbusларини ҳисобга оладиган ва рағбатлантирадиган полиция иш услубини яратишидир. Ушбу дастур доирасида маҳаллий аҳолининг жамоавий бирлашмалари аниқ белгиланган мақсадда, яъни, ўзларининг хавфсизлиги ва ҳаёт фаровонлигини ошириш учун ташкил этилади [8].

Данияда жамоатчиликни ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига жалб қилишнинг ноодатий шакли қўлланилади. Давлат “Кузатувчи” операциясини амалга оширишни таклиф қилган бўлиб, бунда, кичик мукофот эвазига пенсионерлар мунтазам равишда ўзларига ажратилган кўчаларни айланиб юришади, машиналар ва қўчадаги вазиятга диққат билан қарашади, сўнgra полицияга маълум бир ҳудуддаги тартиб ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида хабар беришади [9].

Францияда “Яқин полиция” концепцияси ишлаб чиқилған бўлиб, унда давлат, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва турли жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик замонавий француз хавфсизлик сиёсатининг тимсолига айланган маҳаллий хавфсизлик шартномалари билан қонуний равишда мустаҳкамланган [10].

Истроилда полиция ва жамоатчилик ўртасидаги яқин ҳамкорлик “Дружина” кўнгиллилар ташкилотини яратишида ўз аксини топган. “Дружина” иккита бўлимдан иборат. Биринчиси – хавфсизлик групхи. Мазкур бўлинма пиёда ва автомашина патруллари ёрдамида, назорат-ўтказиш пунктларини ташкил этиш ва тадбирларни муҳофаза қилиш орқали террорчилик фаолияти ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш вазифаларини ҳал этади. Кўнгиллилар яшаш жойларида ҳаракат қиласидар, таълим муассасаларини ва жамоат транспортини ҳимоя қиласидар. Иккинчи бўлинма – кўнгилли маҳсус бўлинмалар. Улар полиция ва чегара қўшинларининг профессионал ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятида, жумладан баҳтсиз ҳодиса қурбонларини аниқлаш, қидирав, қутқарув ишлари, чўкиб кетган одамларни қутқаришда ёрдам берадилар [11].

Полиция ва жамият ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик масалалари рус халқи учун янгилик эмас [12]. Фақатгина жамоатчилик билан яқин ҳамкорлик шароитидагина жиноятчиликка қарши кураш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ишлари муваффақиятли амалга оширилиши мумкин, деб ҳисоблайди Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги. “Полиция тўғрисида”ги Федерал қонун [13] полиция ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш истиқболларини белгилаб берди. Уларни амалга ошириш нафақат ҳуқуқий асосларни, балки ижтимоий шартларни ҳам талаб қиласидар, жумладан:

фуқароларнинг жиноятларни олдини олиш ва уларга чек қўйиш соҳасида ҳамкорлик қилишга тайёрлиги;

полициянинг ўзида жамоатчиликни ҳуқуқни муҳофаза қилиш соҳасига жалб қилиш истаги бўлиши;

ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини амалга ошириш ва уни давлат томонидан рағбатлантиришда полиция ва жамоатчилик ўртасидаги ҳамкорлик амалиётини ривожлантириш.

Полиция ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлиги ва ҳамкорлигининг асослари “Полиция тўғрисида”ги Федерал қонуннинг 10-моддасида белгиланган

бўлиб, унга кўра: полиция ўз вазифаларини бажаришда жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қиласди, жамоат бирлашмалари ва ташкилотлари имкониятларидан фойдаланади, жамоат бирлашмалари ва ташкилотларига фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда ёрдам беради, шунингдек фуқаролик ташаббусларини ривожлантиришни қўллаб-қувватлади.

Бу борада мамлакатда жамоатчилик билан ишлаш бўйича ўзига хос миллий тизим ишлаб чиқилган.

Хусусан, фуқаролар жамоат тартибини сақлаш борасида ички ишлар органлари ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларига қуидаги вазиятларда қўмаклашиб келмоқда:

жамоат тартибини сақлашдаги таҳдидлардан ички ишлар органлари ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор қилиш;

ички ишлар органлари ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг таклифига биноан жамоат тартибини сақлаш бўйича тадбирларда иштирок этиш;

спорт, маданий-кўнгилочар ва бошқа оммавий тадбирларида ташкилотчиларнинг таклифига биноан жамоат тартибини сақлашда иштирок этиш;

ички ишлар органлари ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларининг таклифига биноан жамоат тартибини сақлаш бўйича ташкил қилинган мувофиқлаштириш кенгashi ёки комиссияда эксперт, консультант бўлиб иштирок этиш;

Россия Федерацияси қонунчилигига кўра ички ишлар органлари ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органларида бошқа фаолиятларида иштирок этиш [14].

Фуқаролар жамоат тартибини сақлашда турли кўринишлардаги жамоатчилик бирлашмалари, жамиятлар, кенгашлар, комиссиялар, секциялар, марказлар, тузилмалар кабиларга ихтиёрий равишда бирлашиб, кўнгилли сифатида ўз фаолиятларини олиб бормоқдалар. Хусусан, маъмурий худудларда жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашда жамоатчиликнинг иштирокини ҳамда Россия Федерациясида полицияга қўмаклашувчи жамоатчилик тузилмаларини тўрт гурухга ажратиш мумкин:

1) жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш соҳасида бевосита хуқуқни муҳофаза қилиш функциясини бажарувчи жамоатчилик тузилмалари – тартибни сақлаш

таянч пунктлари, кўнгилли халқ дружиначилари, казаклар жамияти;

2) корхона, муассаса ва ташкилотларнинг меҳнат жамоалари негизида ташкил этилган жамоатчилик тузилмалари – комиссиялар, секциялар, кенгашлар, марказлар;

3) яшаш жойларида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тарзида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга кўмаклашиш учун тузилган жамоатчилик тузилмалари – мавзелар қўмиталари, ота-оналар қўмиталари, жамоатчи тарбиячилар;

4) муайян масалаларни кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш ваколатига эга бўлган жамоатчилик юрисдикциявий органлари – маъмурий комиссиялар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар.

Айни пайтда, жамоатчилик тузилмалари фаолиятини тартиба солиш бўйича мамлакатда бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинган.

Бугунги кунда Россия Федерациясига жамоат тартибини сақлашда кўмаклашувчи жамоат тузилмаси сифатида мамлакат ҳудудида кенг фаолият олиб борувчи ва ривожланиб келаётган тузилмалардан бири халқ дружиначи ҳисобланади.

Жумладан, Россия Федерациясида халқ дружиначилари жамоат бирлашмалари қуйидаги йўналишларида фаолият олиб бормоқда:

1) жамоат тартибини сақлашда ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларига ёрдам кўрсатиш;

2) қоидабузарлик содир этилганида огохлантириш ва тўхтатища ҳудудий халқ дружинларини ташкил қилиш;

3) фавқулодда вазиятларда жамоат тартибини сақлашда қатнашиш;

4) ҳуқуқий билимни тарғиб қилиш ва жамоат жойларида ҳулқ-атвор нормаларни қонунчиликка мослигини аниқлаштириш [14].

Халқ дружиначи жамоат бирлашмаси Россия Федерациясида тарихан шаклланган жамоатчилик тузилмаси бўлиб, мамлакат қонунчилигида уларнинг ҳуқуқ-тартиботини таъминлаш бўйича фаолиятини янгича шароитда ташкил этишининг ташкилий-ҳуқуқий асослари яратилган.

Россия Федерацияси таркибидаги субъектлар томонидан қонунларга кўра, ҳудудий ички ўзига хос миллий характердаги норматив ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Мавжуд маълумотлар таҳлилига кўра, Россия Федерациясида 6,8 мингдан ортиқ халқ дружиначи жамоат бирлашмалари мавжуд бўлиб, уларда 143,3 минг нафар

фуқаро фаолият олиб бормоқда. Шунингдек, халқ дружиначилари томонидан бевосита 2015 йилнинг 6 ойи давомида 3154 та жиноят очилган ва 109 мингдан ортиқ маъмурий ҳуқуқбузарлик аниқланган. Шу билан бирга, 87 мингта ҳуқуқбузар ушланган бўлиб, шулардан бевосита 1,9 мингтаси жиноят содир этганлиги учун қўлга олинган [15].

Халқ дружиначи бу жамоат бирлашмаси бўлиб, унинг аъзолари дружинниклар деб номланади. Россия Федерациясида дружиначилар фаолияти кўнгилли раҳбар томонидан бошқарилади. Раҳбар жамоат бирлашмаси аъзолар ичидан маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан келишилган ҳолда сайланади. Шунингдек, раҳбар ҳақидаги маълумот ҳудудий ички ишлар органларида сақланади.

Шу билан бирга, халқ дружиначилар фаолиятини Россия Федерацияси таркибидаги субъектларнинг давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларида тузиладиган мувофиқлаштириш органлари томонидан бошқариб борилади. Мувофиқлаштириш органини ташкил қилиш ва фаолият юритиш тартиби бўйича Россия Федерацияси таркибидаги субъектларнинг қонунчилигига кўра амалга оширилади.

Айни пайтда, Россия Федерациясининг 1995 йил 19 майдаги “Жамоат бирлашмалари тўғрисида”ги ФЗ-82-сонли Федерал Қонунида халқ дружиначиларни ташкил этиш, рўйхатдан ўтказиш, тугатиш ва қайта ташкил этиш талаблари белгиланган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатда ташкил қилинган халқ дружиначилари жамоат бирлашмаси жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги йўналиши, таркиби, тоифаси бўйича турлича номланиб келмоқда. Жумладан, “Автомобиль ёнғин ўчирувчиси”, “Пенсионерлар”, “Ака ва сингил”, “Ёшлар хавфсизлик хизмати” ижтимоий ҳаракати, “Патруль”, “Бувилар кенгаши” кабиларни ташкил қилмоқда. Бу халқ дружиначилари Россия Федерациясидаги субъектларнинг жиноий криминоген вазиятига кўра тузилади.

Шу билан бирга, тарғибот-ташвиқот ишларини ёритиш, аъзолар сонини ошириш ҳамда давлат билан фуқаро ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш мақсадида, халқ дружиначилари ўзининг алоҳида интернет сайtlariga эга. Хусусан, www.shtab58.ru сайти Россия Федерациясининг Пенза вилоятида ташкил қилинган халқ дружиначи жамоат бирлашмаси фаолиятини доимий равишда тарғиб қилиб келади.

Россия Федерациясидаги халқ дружиначи жамоат бирлашмасига ишга қабул қилиш бўйича бир қанча талаблар белгиланган.

Кўнгилли друдинник сифатида хизматга қабул қилинган фуқаролар ўкув дастури ёрдамида ўқитилади. Хусусан, худудий ички ишлар органлари томонидан тасдиқланган дастур асосида куч ишлатиш ва жамоат тартибини сақлашда биринчи ёрдам кўрсатиш бўйича билим ва қўнималар берилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Россия Федерацияси Ички ишлар вазирлиги томонидан ҳам халқ дружиначи жамоат бирлашмалари фаолиятига оид бир қатор меъёрий-хуқуқий хужжатлар қабул қилинган:

Россия Федерацияси ИИВнинг 2014 йил 18 августдаги “Халқ дружиначиларни жисмоний куч ишлатиш ва биринчи ёрдам билан боғлиқ шароитларда харакат қилишга тайёрлаш масалалари тўғрисида” ги 696-сонли буйруғи;

Россия Федерацияси ИИВнинг 2014 йил 21 июлдаги “Ички ишлар органлари ва хуқуқ-тартибот жамоат идоралари худудий рўйхатини шакллантириш ва юритиш тартиби тўғрисида” ги 599-сонли буйруғи;

Россия Федерацияси ИИВнинг 2014 йил 21 июлдаги “Россия Федерацияси ички ишлар органлари ва халқ дружиначилари ўртасидаги ўзаро муносабатлар масалалари тўғрисида” ги 597-сонли буйруғи кабиларни ташкил қиласди.

Бугунги кунда жамоатчилик вакилларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш бўйича асосий норматив ҳужжат Россия Федерациясининг 2014 йил 2 апрелдаги “Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида” ги ФЗ-44-сонли Федерал Конуни ҳисобланади.

Қонуннинг 2-моддасида асосий тушунчалар берилганбўлиб, унга кўра: “халқ дружиначи” – жамоат тартибини сақлаш, ҳимоя қилишда ички ишлар органлари ва бошқа хуқуқни муҳофаза қилувчи органлари, давлат ҳукумати органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қиласидиган жамоат бирлашмасидир.

Фуқаролар халқ дружиначи жамоат бирлашмаси аъзоси бўлиш орқали қўйидаги имкониятларга эга бўлади:

1) давлат ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари тегишли бюджетлари ҳисобидан хизмат фаолияти учун моддий рағбатлантириш олиш;

2) Россия Федерацииси таркибидаги субъектларнинг давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан ойлик йўл чиптаси бериши асосида хизмат фаолияти давомида жамоат транспортидан (таксилар бундан мустасно) фойдаланиш;

3) йиллик таътилдан ташқари 10 календарь кун ҳисобида, ойлик маоши сақланган ҳолда қўшимча таътил олиш;

4) жиноятни очишда ва жиноятчини ушлашда полицияга ёрдам берганлиги учун қўшимча ҳақ олиш;

5) ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан жамоат тартибини сақлаш тадбирларида иштирок этиш орқали Россия Федерацииси таркибидаги субъектларнинг давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан шахсан сугурталаниши, қўшимча имтиёз ва компенсацияга эга бўлиши, оила аъзоларининг ижтимоий ҳимояси ва ҳуқуқлари Россия Федерациисидаги қонунчиликка зид бўлмаган ҳолда муҳофаза қилишларни ташкил қиласди.

Халқ дружиначи жамоат бирлашмаси аъзолари ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш жараёнида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

фуқаролар ва мансабдор шахслар томонидан ноқонуний қилинган ҳатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш;

ички ишлар орган ходимлари келгунга қадар жиноят содир бўлган воқеа жойи ва жиноят далилиларни сақлаш, ички ишлар орган ходимларига далилларни бериш;

жамоат тартибини сақлашда ўзларига юклатилган вазифаларини бажаришда ички ишлар органларига ёрдам бериш;

хизмат фаолияти давомида тартибни сақлаш мақсадида, Федерал қонунда назарда тутилган ҳолларда куч ишлатиш;

бошқа Федерал Қонунларда кўрсатилган ҳуқуқлардан фойдаланиш.

Агарда халқ дружиначи жамоат бирлашмаси аъзоси ўз хизмат фаолияти давомида унинг ҳаёти ва саломатлиги хавф остида бўлиши мумкинлиги тўғрисида етарли асосга эга бўлса, ўз вазифаларини амалга оширишни рад этиш ҳуқуқи мавжуд.

Халқ дружиначи жамоат бирлашмаси аъзолари ўз хизмат вазифаларини бажаришда қуйидаги мажбуриятлар белгиланган:

жамоат тартибини сақлаш соҳасидаги қонунчилик ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни билиш ва талабларига риоя қилиш;

халқ дружинники томонидан одамлар тўпланганлиги эълон қилинган тақдирда, белгиланган жойга етиб бориш;

фуқаролар, жамоат бирлашмалари, диний ва бошқа ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳурмат қилиш;

қоидабузарликни олдини олиш ва ҳолат бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш;

ички ишлар органлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ходимлари талабларини Россия Федерацияси қонунчилигига зид бўлмаган ҳолда бажариш;

фуқароларнинг баҳтсиз ҳодисаларда, жароҳатланганда, заҳарланганда ва бошқа қасалликлар билан чалинганда, ҳаёти ва соғлиғига таҳдид мавжуд бўлганида биринчи ёрдам кўрсатиш ёки тегишли кадрлар билан таъминлаш;

фуқароларга ўзини гувоҳнома кўрсатган ҳолда таништириш ва ноқонуний ҳатти-ҳаракатларни тўхтатишни талаб қилиш.

Шунингдек, кўнгиллилар иш ёки ўқиш вақти давомида ташкилот раҳбарининг розилиги билан жамоат тартибини сақлашда иштирок этиши мумкин.

Сўнгги вақтларда, Россия Федерацияси жамоатчилик бирлашмалари имкониятларидан етарли даражада фойдаланиб бир қанча ютуқларга эришиб келмоқда. Хусусан, Россия Федерацияси ИИВ матбуот хизмати вакили Ирина Волкнинг фикрича, Россия Федерациясида 2017 йил 31 декабрь ва 2018 йил 1 январь кунлари 14 мингдан ортиқ “Янги йил” байрами тадбирлари ўтказилган. Бу байрамларда мамлакатнинг 8,6 млн.га яқин фуқароси иштирок этган. Ушбу тадбирларда жамоат тартибини сақлашда Ички ишлар органларидан 75 минг, Россия Федерацияси Федерал хизмат хузуридаги Миллий гвардиянинг 11 минг ходими жалб қилинган. Шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан биргаликда халқ дружиначиларидан 11,2 минг ва казаклар жамиятидан 2,5 минг аъзоси ҳамкорликда фаолият олиб борган [16].

Мавжуд маълумотлар таҳлилига кўра, Россия Федерацияси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш даврида жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлаш борасида 2018 йил 18 март куни ўтказилган тадбир давомида жамоат тартибини сақлашда Ички ишлар органларидан 275 минг ходим ва Россия Федерацияси Федерал хизмат хузуридаги Миллий гвардиянинг 81 мингдан ортиқ ходими қатнашган. Ўз навбатида, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари билан ҳамкорлик мақсадида жамоат тартибини сақлашга кўмаклашувчи жамоат

тузилмаларида халқ дружиначиларидан 46,7 минг ва казаклар жамиятидан 7,4 минг аъзоси тадбирда қатнашган [17].

Юқоридаги чора-тадбирлар хукумат томонидан тўғри ташкиллашибирлганлиги сабабли, мамлакатда ўтказилган оммавий тадбирлар ва байрамларда ҳеч қандай кўнгилсиз воқеалар содир бўлмаган.

Қирғизистон Республикаси Ҳукуматининг 2015 йил 30 июлдаги 547-сон қарори билан Қирғизистон Республикаси ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигининг механизмлари тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Мазкур Низомда ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг вазифалари этиб қўйидагилар белгиланди:

аҳолининг ички ишлар органларига ишончини ошириш;

ички ишлар органлари фаолиятининг шаффоғлигини ошириш;

ички ишлар органлари билан биргаликда жамоат тартибини сақлашда фуқаролар ва уларнинг бирлашмаларининг иштирокини тартибга солиш;

аҳоли ўртасида ички ишлар органи ходимининг ижобий имиджини шакллантириш;

хуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг биргаликда профилактикасини ташкил этиш;

аҳолининг хуқуқий саводхонлиги даражасини ошириш.

Шунингдек, хуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича ички ишлар органлари ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик қўйидаги йўналишларда амалга оширилиши белгиланди:

фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини ҳимоя қилиш, уларнинг хуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини, қонунийлик, жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун шартшароитлар яратишга кўмаклашиш;

Қирғизистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экстремистик фаолиятнинг олдини олиш;

гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний айланиши билан боғлиқ хуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

йўл ҳаракати соҳасида хуқуқбузарликларнинг олдини олиш;

Қирғизистон Республикаси қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда оиласидаги зўравонлик ва бошқа турдаги зўравонлик ва суисистеъмолликлардан қўриқлаш ва ҳимоя қилиш;

вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар ва вояга етмаганларга нисбатан зўравонликларнинг оддини олиш.

Шу билан бирга, ички ишлар органларининг фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлиги турли шаклларда: ахборот, маслаҳат, услугубий, ташкилий-амалий ҳамда давлат ижтимоий буюртмаси орқали, шунингдек, Қирғизистон Республикаси қонунчилигига тақиқланмаган бошқа шаклларда амалга оширилиши мумкин [18].

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Давлат ва фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик давлат сиёсатини ва давлат функцияларини самарали амалга оширишга ёрдам беради, улар орасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш функцияси муҳим ўрин тутади. Давлат ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро яқин ҳамкорлиги, ўзаро таъсири ва назорати давлатнинг ҳуқуқни муҳофаза қилиш функциясини самарали амалга оширишга, аҳоли ва ҳокимият органларининг яқинлашишига, ижтимоий муносабатлардаги қарама-қаршиликларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида полиция ва фуқароларнинг ўзаро ҳамкорлиги замонавий демократик давлатларнинг ўзига хос хусусиятига айланиб бормоқда, жиноятчиликка қарши курашишда давлат ва жамият ҳамкорлигининг янги шакллари ва янги йўналишлари яратилмоқда [19].

ХУЛОСА

Умуман олганда, юқорида кўриб чиқилган давлатларнинг бу соҳадаги эришган ижобий натижалари асосида Ўзбекистон Республикасида жамоат хавфсизлигини таъминлашда давлат органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳамкорлиги фаолиятини қайта кўриб чиқиш ва унинг ишлаш механизmlарини такомиллаштириш мақсадга мувофиқдир.

REFERENCES

1. Белов К. В. Некоммерческие организации современной Японии как акторы глобального гражданского общества: Дис. ... канд. полит. наук. СПб., 2012.
2. Киричёк Е. В. Совершенствование деятельности полиции по обеспечению конституционных прав и свобод человека и гражданина и взаимодействию с институтами гражданского общества:

комплексные меры // Юридическая наука и правоохранительная практика. 2014. № 4(30). С. 40–49.

3. Столичная полиция США. 2016. – <https://www.uscp.gov/the-department/bureaus-and-offices>
4. Случевская Ю. Зарубежный опыт партнерских отношений между полицией и населением // Профессионал. 2011. № 3. С. 17–20.
5. Павловский В. В. Взаимодействие общества и полиции (милиции) в обеспечении правопорядка: Дис. ... канд. юрид. наук. М., 2010.
6. Полиция Великобритании: официальный сайт. 2016. – <https://www.police.uk/information-and-advice>
7. Полиция Нидерландов: официальный сайт. 2016. – <https://www.politie.nl>
8. Полиция Польши: официальный сайт. 2016. – <http://www.policja.pl/pol/english-version/4889,Polish-National-Police.html>
9. Полиция Дании: официальный сайт. 2016. – <https://www.politi.dk/en/servicemenu/home>
10. Территориальная полиция Франции: официальный сайт. 2016. – <http://www.police-territoriale.fr/outils/cls.htm>
11. Полиция Израиля: официальный сайт. 2016. – https://www.police.gov.il/English_contentPage.aspx
12. Раскин Д. И. Полиция и гражданское общество в Российской империи // Государство и право: эволюция, современное состояние, перспективы развития (навстречу 300-летию российской полиции): Материалы XIV международной научно-теоретической конференции. Санкт-Петербург, 27–28 апреля 2017 г. / Под ред. Н. С. Нижник: В 2 т. Т. II. СПб.: Изд-во СПб ун-та МВД России, 2017. С. 128–130.
13. Федеральный закон от 7 февраля 2011 года № 3-ФЗ “О полиции”.
14. Россия Федерациисининг 2014 йил 2 апрелдаги “Жамоат тартибини сақлашда фуқароларнинг иштироки тўғрисида”ги ФЗ-44-сонли Федерал Конуни.
15. Исамутдинов Р.Р. Ўзбекистон Республикасида жамоат тартибини сақлашга кўмаклашувчи жамоат тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш бўйича замонавий ёндашувлар. Магистрлик дисс... Т.: СТИБОМ, 2019й.
16. Общественный порядок на массовых новогодних мероприятиях обеспечен в полном объеме. 01 Января <https://xn--b1aew.xn--p1ai/news/item/11959077/>.

17. Правопорядок и безопасность граждан в период подготовки и проведения выборов Президента Российской Федерации обеспечены в полном объеме. <https://xn--b1aew.xn-p1ai/news/item/12555101/>.
18. Сайт Министерства юстиции Кыргызской Республики.
<http://cbd.minjust.gov.kg/act/view/ru-ru/97808>
19. Нижник Н.С. — Полиция и гражданское общество: поиск вектора взаимодействия // Полицейская деятельность. – 2018. – № 5. – С. 52 - 66. DOI: 10.7256/2454-0692.2018.5.23796 URL: https://nbpublish.com/library_read_article.php?id=23796